

22110038064840

x/x

**Дори-дармон воситаларини сотиш ҳақидаги  
шартнома №43**

" 20 " 01 2022й.

Тошкент шаҳри.

«Medlife Pharm» МЧЖ, кейинчалик "Сотувчи" деб номланувчи, номидан директор **Аллаберганов Ш.Ю.**, Устав асосида ҳаракат қилувчи бир томондан, ва **ТХК ИРИСТК** кейинчалик "Харидор" деб номланувчи номидан **Ислом** асосида ҳаракат қилувчи **Ш.А.Худайбергенов** бошқа томонидан, мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар :

### 1. Шартномалар предмети.

1.1. Сотувчи етказиб бериши, Олувчи етказиб берилган дори дармонларни (кейинги матнда маҳсулот деб номланади) тўлиқ миқдорда ва муддатларда ҳисоб варақлар (счёт-фактура)га асосан тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Харидор шартнома бўйича ҳамма мажбуриятларни бажаради ва ушбу шартнома шартларини бажариш учун керакли бўлган тегишли ҳужжатлари борлигига кафилик беради.

1.3. Сотувчи Харидор томонидан ишончнома, паспорт нусхаси, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, лицензия нусхаси, ҳамда қонунчиликда белгиланган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда дори дармон воситаларини қўйиб юбормаслик ҳақи бор.

### 2. Етказиб бериш тартиби ва муддатлари.

2.1. Сотувчи маҳсулотни сотувчининг ҳисоб рақамига пул маблағлари тушгандан кейин чиқаради. Маҳсулотлар қисмларга (партия) бўлиниб етказиб берилиши мумкин ва бу ҳолда тўлов шартноманинг 3.2.-бандига мувофиқ, тақдим этилган ҳисоб варақлар (счёт-фактура)га мос равишда амалга оширилади.

2.2. Маҳсулот етказиб бериш Харидорнинг ёзма мурожаатига асосан амалга оширилади, мурожаатда Харидор маҳсулот етказиб бериш муддатлари, миқдори кўрсатилиши шарт. Харидор томонидан мурожаатнома берилган кунидан бошлаб 5 кунлик муддатда молни олиб кетиш мажбуриятини олади, агарда бу муддатда Харидор томонидан маҳсулот олиб кетилмаса Сотувчи молнинг оморда йўқлиги учун жавобгарликни олмайди.

2.3. Маҳсулотни Сотувчига қайтариш ёзма равишда мурожаат этилгандан сўнг Сотувчининг розилиги билан амалга оширилади.

### 3. Нарх наво ва ҳисоб китоб тартиби.

3.1. Ҳар қайси маҳсулотнинг қисми (партия) учун тўловлар суммаси тўлов кунда белгиланади.

3.2. Ҳар бир қисм (партия) маҳсулотни тўлов шакл олдиндан 30 % пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Қолган 70% ни Харидор ҳисоб варақа (счёт фактура) лар олинган кундан бошлаб 30 календар кунлари мобайнида тўлаш мажбуриятини олади.

3.4. Шартноманинг умумий суммаси: **18 000 000,00** (Ун саккиз миллион) сўмни ташкил этади. Қўшилган қиймат солиғи 0%.

3.5. Харид қилинаётган маҳсулотга молиявий камайтирилган нархлар (скидка) ушбу шартномага илова қилинган ҳисоб варақларда (счёт-фактура) ва спецификацияларда кўрсатилади, ушбу ҳужжатлар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.



#### **4. Маҳсулотнинг сифати ва қабул қилиш тартиби.**

4.1. Етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифати давлат стандартларига (ГОСТ) ва техникавий шароитлари мос келиши, мослик (хавфсизлик), сифат сертификатлари билан тасдиқланади.

4.2. Харидор томонидан маҳсулотнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, Сотувчининг вакилини хабарнома (рекламация) орқали чақириши мажбурийдир. Сотувчи вакилини чақирилиши маҳсулот етказилган кундан бошлаб 5-кун ичида амалга оширилиши лозим, бу муддатни ўтказиб юборилиши даъволар қабул қилинмаслигига олиб келади. Харидорнинг хабарномаси (рекламация) ёзма равишда расмийлаштирилиши керак.

4.3. Сотувчи сифатсиз маҳсулот борлиги аниқлангандан сўнг ўз ҳисобидан маҳсулотни янғисига алмаштиради. Маҳсулотни алмаштирилиши учун камчилик аниқланганлиги ҳақидаги Сотувчи ва Харидор томонидан ташкил этилган комиссия аъзолари имзолаган далолатнома асос бўлади. Маҳсулотни алмаштириш жойи Сотувчининг омбори ҳисобланади.

#### **5. Қадоқлаш, идиш, маркировка.**

5.1. Ушбу шартномага муаофиқ юкларни жўнатиш ушбу турдаги маҳсулот учун техник шартларда кўзда тутилган ва ташиш ва сақлаш вақтида унинг хавфсизлигини таъминлайдиган идишлар ва қадоқларда амалга оширилади. Харидорнинг айби билан транспорт вақтида маҳсулотга етказилган зарар қопланмайди.

5.2. Идишлар ва қадоқлар қайтариб берилмайди ва улар маҳсулот нархига киритилган.

#### **6. Томонларнинг жавобгарлиги.**

6.1. Маҳсулотларни олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда маҳсулотларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун Харидор Сотувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотларни қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Маҳсулотларни олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Сотувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун Харидор маҳсулот Сотувчисига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Етказиб берилган маҳсулотни ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Харидор Сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.4. Сотувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган маҳсулотнинг етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича;
- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

6.5. Маҳсулотни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, маҳсулот Сотувчиси Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.6. Жарима (пеня) ва зарарларни тўлаш, томонларни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.



## 7. Форс – мажор ҳолатлар.

7.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 8. Умумий қоидалар.

8.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8.2. Ушбу шартнома юзасидан ўзаро даъво бўлмаса, томонларнинг ўзаро келишуви билан 15 кундан олдин ёзма огоҳлантириш билан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

8.3. Ушбу шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Агар ўзаро келишувга эришиш мумкин бўлмаса, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

8.4. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилга қадар амал қилади.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### СОТУВЧИ

«Medlife Pharm» МЧЖ

Манзили: Тошкент шаҳар Яккасарой

Тумани Жамшид Шоший

1-тор куча 52-уй.

Тел: (+99871) 255-06-47,

Инн: 305033477

Х/р: 2020 8000 5007 9687 8001

Банк: «ДАВР БАНК Яккасарой филиали.

МФО: 01069

Код ндс

### ХАРИДОР

Манзили:

Молия Вазирлиги Ҳисобчи  
Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919  
ХККМ МБ Тошкент ш.Б.Б.  
Тел: ТХКМРМКТК № 1/с: 401410860262737073101054001  
ИНН: 201 799 978 ОКЭД: 86100  
Тел: (71) 233-40-66; Факс: (71) 233-67-17

Тел:

Банк:

Х/р

МФО

ИНН

Код ОКПО

Код ОКЭД

Директор



Аллаберганов Ш.Ю.

Лавозими


Ш. А. Хусеинов



### ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилидаги «Хужалик-торитувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланган бўлиб, шартнома шартлари, хусусан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари амалдаги қонунчилик талабларига мос келади.

Ҳуқуқшунос  
YURISKONSULT  
BAJAJANOV RAHMATULLA  
SULTANOVICH



**СПЕЦИФИКАЦИЯ**  
**№ 43 Шартномага асосан**  
 Сана 20.01 2022й.


№	Номланиши	Ул.бир.	Сони	Нархи	Ккс	Киймат
1	Левифлоксацин 0,5% 100мл р-р для инфузий (Фло-мед)	Фл.	2000	9 000	0	18 000 000,00
	Умумий киймати					18 000 000,00

**Тулаш учун умумий киймат: 18 000 000,00**  
 (Ун саккиз миллион) сум 00 тийин


**Сотувчи:**  
**«Medlife Pharm» МЧЖ**  
 Манзили Тошкент шаҳар Яккасарой  
 Тумани Жамшид Шоший 1-гор куча 52-уй  
 Тел: (+99871) 255-06-47  
 Инн: 305033477  
 Х/р: 2020 8000 5007 9687 8001  
 Банк: «ДАВР БАНК» Яккасарой филиали  
 Код НДС

**Харидор:**  
**Молия Вазирлиги азначилиги**  
**Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010**  
 МФО: 00014 ИНН: 201 122 919  
 ХККМ МБ Тошкент ш.Б.Б.  
 ТХКМРМКТК№ Л/с: 401410860262737073101054001  
 ИНН: 201 799 978 ОКЭД: 86100  
 Тел: (71) 233-40-66; Факс: (71) 233-67-17

**СОТУВЧИ**



**ХАРИДОР**



*Ш. А. Худайбергенов*



